Куч — адолатда

2015 йил
12 июнь,
жума
№ 23 (536)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Тадбиркорларимиз, фермерларимиз ва ҳунармандларимиз учун жорий ёз фасли ҳаяжонли ва қизиқарли воқеаларга бой бўлмоқда. Улар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1996 йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловининг якуний босқичида иштирок этди.

Танловнинг номида ҳам ўзига хос рамзий маъно мужассам. Жорий йилда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган анъанавий кўрик-танловда 6,2 мингдан зиёд тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди. Кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида ғолиб бўлган 41 иштирокчи мамлакат босқичига йўлланма олди. Улар хизмат кўрсатиш, хўжалик фаолияти ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ташаббускорлик ва фаолликни намоён этиб, мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларини мустаҳкамлаш, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

ТАШАББУС: ТАДБИРКОРЛИК, ФЕРМЕРЛИК, ҲУНАРМАНДЛИК

"Туркистон" саройида 11 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Ташаббус — 2015" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан тегишли вазирлик ҳамда идоралар ҳамкорлиги ва кўмагида ташкил этилди. Кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад бизнес муҳитини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, тадбиркорларнинг касб маҳорати ва билим даражасини юксалтириш борасида зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат.

"Туркистон" саройида ташкил этилган экспозиция нафақат ҳакамлар ҳайъати ва иштирокчилар, балки танловга ташриф буюрган кўплаб юртдошларимиз ва хорижий меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Турли товар ва буюмлар — озиқ-овқат маҳсулотлари, доридармонлар, маиший техника, кийим-кечаклар, мебель, миллий заргарлик безаклари, гилам ва бошқа кўплаб маҳсулотлар саховатли заминимизнинг бунёдкорлик қудратини ёрқин намоён этди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ҳамда 2015 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси кўриб чиқилди

11 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқида истиқболда мамлакатимиз иқтисодиётида туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратишни, модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини изчил давом эттиришни асосий вазифалар сифатида белгилаб берди.

Депутатлар шунга таянган ҳолда куннинг биринчи ярмида парламентнинг мамлакатимиз Конституциясида белгиланган ваколатларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини батафсил кўриб чиқдилар.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижроси устидан парламент назорати доимо депутатлар корпусининг диққат марказида туради. Ушбу йўналишда аниқ тизим йўлга қўйилган бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси якунларининг кўмиталар, сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи мажлисларидаги дастлабки тарзда муҳокамаси киради. Йиғилишлар якунида депутатлар бирлашмаларининг тегишли қарорлари қабул қилиниб, нуқтаи назарлари шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.Азимов маъруза қилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш

борасидаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида суғурта фаолияти субъектларига яратилган мустаҳкам кафолатлар туфайли соҳанинг иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги ўрни тобора ортиб бормоқда.

Энг муҳими, истиқлол йилларида мамлакатимизда суғурта фаолиятини тартибга солишга қаратилган мустаҳкам қонунчилик тизими яратилиб, изчиллик билан такомиллаштирилмоқда. Хусусан, амалдаги Фуқаролик кодексининг 52-боби, "Суғурта фаолияти тўғрисида", "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида", "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта килиш тўғрисида", "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги қонунлар, Президентимизнинг "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ва "Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари суғурта институтининг ҳуқуқий пойдеворини ташкил қилади.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат интизоми

унга қатъий риоя этиш жамоада барқарор муҳитни шакллантириб, иш самарадорлигининг ошишига замин яратади

Маълумки, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасаларда ишчи ва ходимлар иш берувчи ва давлат ҳамда жамият манфаатларини ўзаро самарали уйғунлаштириш имконини берувчи меҳнат интизомига оид қоидаларга амал қилинади.

Меҳнат кодексининг 72-моддасида ходимни муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартиби қоидаларига, меҳнат тўғрисидаги қонунларга, тарафлар келишуви билан белгиланган шартларга асосан бажариши зарурлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу модда мазмунидан иш берувчи ҳам ходимга самарали ишлаши учун зарур шароитлар яратиши, унинг меҳнатига ҳақ тўлаши тўғрисидаги хулоса келиб чиқади.

(Давоми иккинчи бетда)

Айтиш керакки, суд мажлиси жараёнида иштирокчиларнинг белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий риоя этиши ҳақиқатни аниқлаш, низоли масала юзасидан қонуний тўхтамга келиш, бир сўз билан айтганда, одил судловни амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Айни чоғда бу — тарафлар ва иштирокчиларнинг муносабатларида ўзаро ҳурмат сақланишининг ғоятда муҳим омилидир.

Mezon

Одил судлов самарадорлигини таъминлаш

унда суд мажлисида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этиш ҳам муҳим ўрин тутади

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 166-моддасида суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган таъсир чоралари белгиланган. Мазкур модда моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги икки ҳолатга, яъни қўлланилаётган таъсир чораларининг тури ва изчиллигига ҳамда чора қўлланилаётган шахслар тоифасига эътибор қаратиш лозим.

Суд мажлисида тартибни бузган шахсларга нисбатан қўлланиладиган таъсир чоралари сирасига огоҳлантириш, суд мажлиси залидан чиқариб юбориш, бошқа шахс билан алмаштириш, хусусий ажрим чиқариш, маъмурий жавобгарликка тортиш, муайян шахсга йўналтирилмаган ҳолда алоҳида чора сифатида — суд мажлисини кейинга қолдириш кабилар киради.

Ўз навбатида, чора қўлланилаётган шахслар тоифалари қуйидагича фарқланади:

- тарафлар ва учинчи шахслар;
- прокурорлар ва адвокатлар;
- гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар;
- фуқаролар.

Қонун талабига кўра, суд мажлисида тартибни бузган шахс даставвал огоҳлантирилади. Бу, бир томондан, ана шу шахсга нисбатан қўлланилган таъсир чораси ҳисобланса, иккинчи томондан, келгусида унинг суд мажлиси тартибини бузишининг олдини олишга ва ўзининг процессуал ҳуқуқларини амалга оширишига имкон беришга қаратилган профилактик тадбир ҳисобланади.

Раислик этувчи бундай огоҳлантириш ҳақида суд мажлиси баённомасида албатта, қайд этиб қўйиши керак. Бу қоида Фуқаролик процессуал кодексининг 21-моддасидаги суд мажлиси баённомасида ишни кўришнинг ёки алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг барча муҳим жиҳатлари акс эттирилиши лозимлиги ҳақидаги талабдан келиб чиқади. Қолаверса, огоҳлантирилган шахс келгусида яна тартибни бузадиган бўлса, унга нисбатан янада қатъий чора қўллаш учун бу ҳолат асос бўлиб хизмат қилади.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Масъулият ва мажбурият

кредит шартномасини бажаришда муҳим аҳамият касб этади

Маълумки, мулкий муносабатларда энг кўп қўлланиладиган, турли хилдаги битим бўйича вужудга келадиган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлашга ва кредиторнинг иқтисодий манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган муҳим фуқаролик-ҳуқуқий воситалардан бири кредит шартномасидир.

(Давоми учинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қанча миқдорда жарима қўлланилади?

Л.ЭРГАШОВ,
Тошкент вилояти,
Янгийўл тумани

— Амалдаги, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 25-моддасига мувофиқ, жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса, бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Фуқароларга тайинланадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса, ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқароларга тайинланадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга — энг кам иш ҳақининг юз бараваригача, мансабдор шахсларга — юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори ушбу кодекснинг 6-моддасига биноан фуқароларга — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга — беш бараваридан ошмаслиги керак.

Қўшним уйини тўлиқ таъмирдан чиқаргач, яроқсиз ҳолга келиб қолган қурилиш материалларини аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда ёқиб юборди. Айтинг-чи, қонунда унинг бу ҳаракатлари учун жавобгарлик белгиланганми?

К.ФОЗИЛХЎЖАЕВ,
Фарғона вилояти,
Тошлоқ тумани

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 88-моддасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмаларсиз очиқ аланга олдириб уларни ёқиш, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик фуқароларга — энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, дала ва аҳоли пунктларида хазон ва шох-шаббаларни ёки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш, атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келса, фуқароларга — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Айтинг-чи, суғурта товонини олиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

Ж.ЁҚУБОВ,
Сурхондарё вилояти,
Денов тумани

— "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасига асосан, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юз берганда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш талаби кўрсатилган ёзма шаклдаги ариза билан қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда суғурталовчига мурожаат этади:



- иш берувчининг етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги буйруғининг кўчирма нусхаси;
- ходимнинг ёки наф олувчининг етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаби кўрсатилган, иш берувчининг номига ёзилган аризасининг кўчирма нусхаси;
- суғурта ҳодисаси юз бергунига қадар ходим олган ўртача ойлик ёки йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;
- касб касаллигида — ходимнинг касб касаллиги тўғрисидаги тиббий хулоса;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса содир бўлганлигини ва ходим учун унинг оқибатини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси, тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг хулосаси, низолар юзага келган ҳолларда эса — суднинг қарори).

Ходим вафот этган тақдирда ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси ва наф олувчининг зарарнинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

Саволларга Олий суд бўлим бошлиғи Санжар ҚУЧҚАРОВ жавоб берди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ҳамда 2015 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси кўриб чиқилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қонунчилик палатаси мажлисида иқтисодиётда 2014 йил давомида эришилган ижобий таркибий силжишлар, сифат ўзгаришлари ва ижобий тенденциялар, шунингдек, самарали пул-кредит ҳамда солиқ-бюджет сиёсатининг амалга оширилиши мамлакатимизни ривожлантиришнинг юқори суръатларини сақлашнинг муҳим шартлари бўлиб, аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишига кўмаклашди, давлат бюджетининг йил бошида ЯИМга нисбатан белгиланган 1 фоиз тақчиллик ўрнига ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилишига имкон бергани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ижроси асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг юқори суръатларда ўсишини тавсифловчи мустаҳкам ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитларида амалга оширилди.

2014 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 8,1 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,9 фоизга, капитал қурилиш 10,9 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичдан паст бўлди ва 6,1 фоизни ташкил этди.

Ўтган йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш сифатини ва даражасини муттасил ошириб бориш масалаларига ҳукумат томонидан катта эътибор қаратилди. Хусусан, 2014 йилда фуқароларнинг реал даромадлари 10,2 фоиз, бюджет ташкилотлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдори 23,2 фоиз ошди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясидан сўзга чиққан депутатлар банк тизимининг ислоҳ этилиши иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омил бўлганлигини, бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали деярли 25 фоизни ташкил этганлигини таъкидлаб ўтдилар. Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга ва тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар яратди. Банклар томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,2 баробар, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредитлар эса 1,3 баробардан зиёд ошди.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш борасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар партия электорати манфаатларига жавоб беради.

Саноатнинг енгил, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларида ишчиларнинг энг кўп сони илгариги 100 кишидан 200 кишигача ошганлиги кичик бизнесни рағбатлантириш чора-тадбирлари тизимидаги муҳим қарор бўлди. Ўзбекистон 2014 йилда бизнес юритиш шарт-шароитлари бўйича рейтингда саккиз поғона юқорига кўтарилди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари ўз сайловолди платформасидан келиб чиқиб, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва экспортни диверсификация қилиш, маҳаллий маҳсулотни сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг юқори натижаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Хусусан, ўтган йилда 500 дан зиёд янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди. Ташқи савдо балансидаги ижобий сальдо 180 миллион АҚШ долларини ташкил этди, олтин валютаси захиралари 1,6 миллиард АҚШ долларига ошди, бу эса миллий иқтисодиётимизнинг янада мустаҳкамланишига кўмаклашди.

Фракция вакиллари жойларда солиқ қонунчилигига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан риоя қилинишини таъминлаш ва тақдим этилган имтиёз ва преференциялардан самарали фойдаланиш, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан мавжуд имкониятлар ҳамда резервлардан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Сўзга чиққанлар бозор талаблари асосида иқтисодий муҳитни ташкил этишга, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс имкониятларидан оқилона фойдаланишга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида юқори технологик кичик саноат корхоналарини ривожлантиришга алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясидан сўзга чиққанлар ўтган йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари ҳукуматнинг диққат марказида бўлганини қайд этди. Ҳисобот даврида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан умумий харажатларнинг 58,8 фоизи миқдорида маблағ ажратилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари 2014 йилда айрим бюджет ташкилотларида ва бюджет маблағларини олувчи ташкилотларда бюджет маблағларидан мақсадсиз ва самарасиз тарзда фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилганлигини ҳам таъкидладилар. Шу муносабат билан депутатлар марказда ва жойларда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бюджет маблағларининг самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлаш борасидаги масъулиятини ошириш, шунингдек, Бюджет кодекси нормалари ва қоидаларининг ижроси устидан назоратни янада кучайтириш бўйича бир қатор таклифлар билдирдилар.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрига кўра, 2014 йилда иқтисодий дастурнинг тизимли равишда амалга оширилиши натижасида ўсишнинг юқори барқарор суръатларини сақлаш, макроиқтисодий мувозийлик, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш таъминланди. Ҳисобот даврида Вазирлар Маҳкамаси илм-фанни ривожлантиришга катта эътибор қаратгани, бу эса партиянинг дастурий вазифаларига тўлиқ мос келиши алоҳида эътироф этилди. Хусусан, ҳисобот даврида илм-фанни ривожлантиришга 187 миллиард сўм ёки 2013 йилга нисбатан 13,6 фоиз кўп маблағ сарфланди.

Шу билан бир қаторда, фракция аъзолари давлат илмий-техник дастурларининг, тармоқлар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг, шунингдек, инновацион ишланмалар лойиҳаларининг устувор йўналишларини молиялаштиришни мақбуллаштириш юзасидан таклифларини билдирдилар.

Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзолари атроф- муҳитни ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари қаторига киритилганини таъкидлаб ўтдилар. Шу сабабли Ўзбекистонда мустақилликка эришилган илк кунлардан бошлаб табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга, ҳозирги ва келгуси авлодлар учун атроф-муҳитни сақлашга қаратилган йўналиш қабул қилинган.

Мажлисда депутатлар гуруҳи аъзолари мамлакатимизда атроф-муҳитни ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этиш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирларни ижобий баҳоладилар. Хусусан, 2014 йилда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун Давлат бюджети харажатлари 547,2 миллиард сўмни ташкил этди. Шу жумладан, сув ва ер ресурслари муҳофазасига 18,6 миллиард сўм, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазасига 7,1 миллиард сўм, биохилма-хилликни сақлаш учун 7,3 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

* * *

Куннинг иккинчи ярмида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев маъруза билан сўзга чиқди.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи чорагидаги ижроси Бюджет кодекси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ амалга оширилди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди.

Иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминловчи амалдаги стратегияни давом эттириш, бунинг учун мавжуд резервлар ва имкониятлардан кенг фойдаланиш жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) 7,5 фоизга ошишини таъминлагани қайд этилди. Бунда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш инфляциянинг прогноз кўрсаткичларидан ортиқ бўлмаган паст даражада кузатилди.

2015 йилнинг биринчи чорагида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 7,9 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми — 11,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш —6,3 фоиз, хизматлар ҳажми 13,1 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми — 15,2 фоиз ўсди.

Йил бошидан буён минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурларини амалга ошириш доирасида 434 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Қишлоқ жойларида 169 километр сув қувури тармоқлари, 54 километр газ тармоқлари ишга туширилди, 1,3 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Жорий йилда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган 12 мингта якка тартибдаги уй-жой қуришни ташкил этиш борасида чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар фақат жорий йилнинг биринчи чорагида 8 мингтадан ортиқ янги кичик бизнес субъектининг ташкил этилишига кўмаклашди, бу 2014 йилнинг шу давридагига қараганда 10,2 фоиз кўпдир. Кичик бизнес субъектларига 2014 йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан 1,3 баробар кўп банк кредитлари ажратилди. Йил бошидан буён хусусий мулкдорларга 55 та давлат активи реализация қилинди, шу жумладан, 13 та объект инвесторларга 9,7 миллиард сўмлик инвестициялар киритиш мажбурияти асосида бепул берилди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш натижасида жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 141 мингтадан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди, улардан 88 мингтадан ортиғи ёки 62,6 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида кексаларга муносиб эътибор кўрсатиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини юксалтиришга доир тадбирларни фаол амалга ошириш жараёни бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Улар мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжати кўрсаткичлари жорий йилда барча давлат ва хўжалик органлари томонидан аниқ ижро этилиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб-асраши шарт.

Ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган ички ҳужжатларда, хусусан, жамоа шартномалари ва йўриқномаларда, энг муҳими, меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади.

Меҳнат кодексининг 181-моддасида ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги жазо чораларини қўллашга ҳақли эканлиги белгиланган:

1) ҳайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам кўзда тутилиши мумкин;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Юқорида қайд этиб ўтилганлардан бошқа интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.

Бундан ташқари Меҳнат кодексининг 182-моддасида интизомий жазоларни қўллаш тартиби кўрсатилган. Унга кўра, интизомий жазо ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади. Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати олинади.

Интизомий жазони қўллашда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатининг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори инобатга олинади. Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин. Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқланганидан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқланганидан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан узоғи билан 1 ой ичида қўлланилади.

Ходимга қўлланилган интизомий жазо бир йил давомида амал қилади ва шу муддат ичида ходим бошқа интизомий ножўя ҳаракат содир этмаса, у жазога тортилмаган ҳисобланади. Интизомий жазо иш берувчи ташаббусига кўра, жазога тортилган ходим илтимосига кўра, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосига кўра, муддатидан олдин олиб ташланиши мумкин. Бу ҳақда корхона иш берувчисининг буйруғи чиқарилиши лозим.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, жазога тортилган ходим ўзига нисбатан қўлланилган интизомий жазо устидан якка меҳнат низоларини кўриб ҳал қилиш учун белгиланган тартибда ва муддатларда шикоят қилиши, прокурор томонидан эса, протест келтирилиши мумкин.

Агар интизомий жазо нотўғри қўлланилган бўлса, ушбу масала юзасидан меҳнат низосини кўрган орган, яъни меҳнат низолари комиссияси, суд, бўйсуниш тартибида юқори турадиган орган уни бекор қилади. Жазо тўғри қўлланилгани аниқланган тақдирда эса, шикоят (протест)ни оқибатсиз қолдиради.

Yangi qonun mohiyati

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш

борасидаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу қонун ҳужжатларида давлатимиз томонидан суғурта хизматлари рақобат бозорини янада шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини жорий этиш ва сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кучайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг минтақавий тармоқларини кенгайтириш, шунингдек, суғурталашни тартибга солиш усулларини такомиллаштириш масалалари ўзининг теран ифодасини топган.

Бундан ташқари мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, шунингдек, корхона, ташкилот ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суғуртанинг ихтиёрий ва мажбурий турлари амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Айтиш керакки, бугунги кунга қадар мамлакатимизда йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича суғурта ҳимояси 1993 йил 7 майда қабул қилинган "Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида"ги қонун билан тартиб солиб келинаётган эди. Бироқ ушбу қонуннинг алоҳида нормалари бугунги талабларга тўлиқ жавоб бермай қолганди.

Шу боис Олий Мажлис Сенатининг жорий йилнинг 15-16 май кунлари бўлиб ўтган иккинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонун маъқулланганини алоҳида қайд этиш жоиз. Ушбу қонун Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "2011-2015 йилларда республика микромолиялаш соҳасини ва нобанк молия секторини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбир"ларнинг 5-бандига асосан ишлаб чиқилди. Мазкур янги қонуннинг қабул қилиниши соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш билан бирга суғурта бозоридаги муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Қонунни ишлаб чиқиш жараёнида бу борадаги халқаро ҳужжатлар ва ривожланган хорижий давлатларнинг қонунлари атрофлича ўрганиб чиқилди. Хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, йўловчиларнинг манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш мақсадида йўловчиларнинг мажбурий шахсий суғуртаси ўрнига ташувчининг йўловчилар олдида фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш механизми қўлланилмоқда. Жумладан, АҚШ, Европа Иттифоқининг деярли барча давлатлари, Канада, Япония давлатларида ушбу соҳага оид махсус қонун қабул қилинган ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизими жорий этилган.

Мамлакатимизда ушбу янги қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш қонунида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартлари ва уни тузиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, қонуннинг 18-моддасида йўловчи, жабрланувчи ва наф олувчи ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари тўғрисидаги ахборотни ҳамда суғурталовчи ҳақидаги зарур маълумотларни ташувчидан бепул олиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилди.

Қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилидан келиб чиқиб, суғурталанувчиларга нисбатан алоҳида талаблар белгиланди. Хусусан, суғурталовчи тегишли лицензияга, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишга, ташувчилар, жабрланувчилар ва наф олувчиларнинг суғурта товони ҳақидаги талабларини кўриб чиқишга ҳамда суғурта товонини амалга оширишга ваколатли ўз филиалларига эга бўлиши лозим. Бундан ташқари ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга оширишга ҳақли бўлган суғурталовчилар ўртасида суғурта шерикчилигини тузиш тўғрисида ёзма битим тузилиши шарт. Ушбу талаб суғурта ҳодисаси содир бўлганда ташувчи, йўловчи ва наф олувчиларнинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилади ҳамда суғурталанувчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди.

Шунингдек, қонунда ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича мажбурияти бажарилишини назорат қилишни амалга оширувчи давлат органлари ҳам белгилаб қўйилди. Яъни бу Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли ваколатга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу қонун йўловчиларга етказилган зарар ўрнини қоплаш бўйича харажатларни энг мақбул даражага келтириш йўли билан ташувчиларнинг мулкий манфаатлари ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Энг муҳими, мамлакатимизда янги иш ўринлари яратилиши, суғурта бозори ва транспорт инфратузилмасининг изчил ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг тубдан яхшиланиши учун қонуний шарт-шароит ва имкониятлар янада кенгаяди.

Отабек МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош мутахассиси

Mezon

Одил судлов самарадорлигини таъминлаш

унда суд мажлисида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этиш ҳам муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Аҳамиятли жиҳати шундаки, қонунда чора қўлланилаётган шахслар тоифасига қараб, уларга нисбатан турлича таъсир чораларини қўллаш назарда тутилгани ҳолда, процессуал ҳолатидан қатъий назар, барча шахсларга нисбатан суд томонидан огоҳлантириш чораси бирдек қўлланилиши мумкин.

Суд мажлиси залида тартибни бузган шахс раислик этувчи томонидан огоҳлантирилганидан сўнг ҳам ўзининг ножўя хатти-ҳаракатларини давом эттирса, унга нисбатан навбатдаги қатъийроқ таъсир чораси қўлланилади. Яъни у суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкин. Суд мажлиси залидан чиқариб юбориш ҳам ўз навбатида, иккига бўлинади. Яъни раислик этувчи суд мажлисидаги тартиббузарликнинг характерини, унинг келиб чиқишига сабабларини эътиборга олган ҳолда, тартибни бузган шахсни иш кўриладиган ҳамма вақтга ёки вақтинча муддатга суд мажлиси залидан чиқариб юборишга ҳақлидир.

Айтайлик, тарафлардан бири муайян далилни, хусусан, қарши тарафнинг тушунтиришини, гувоҳнинг кўрсатмаларини эшитиш ва текшириш билан боғлиқ ҳолда, бундан норози бўлиб ўзини тута олмаган ва суд мажлиси тартибига бўйсунмаган ҳолларда суд ушбу шахсни вақтинча, яъни айнан суд мажлисининг тегишли далилни текширишга оид қисми давом этадиган муддатга суд мажлиси залидан чиқариб юбориши мумкин.

Ўз навбатида, вақтинча чиқариб юборилган шахс суд мажлиси залига қайтгач, раислик қилувчи уни залда бўлмаган вақтида амалга оширилган процессуал ҳаракатлар билан таништиради.

Бу борада прокурор ва адвокатларга нисбатан қўлланиладиган таъсир чоралари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Фуқаролик процессуал кодексининг 166-моддаси 3-қисмига кўра, прокурор ва адвокат расман огоҳлантирилгач, раислик қилувчининг фармойишларига яна итоат этмаса, агар уларни ишга зарар етказмаган ҳолда бошқа шахс билан алмаштиришнинг имкони бўлмаса, суднинг ажримига биноан ишни кўриш кейинга қолдирилади.

Прокурор ва адвокатлар раислик қилувчи фармойишларига такроран итоат этмаганда, суд хусусий ажрим чиқаради. Бу хусусий ажрим тегишлича юқори турувчи прокурор ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига юборилади.

Бундан ташқари суд мажлисида тартибни бузган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жиддий таъсир чораларидан яна бири шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳисобланади. Фуқаролик процессуал кодексининг 166-моддаси 5-қисмига мувофиқ, суд мажлисида тартибни бузган ёки судга нисбатан бошқача тарзда ҳурматсизлик қилган шахс суд томонидан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 180-моддасида гувоҳ, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахслар ва фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишида ўз ифодасини топган судга ҳурматсизлик маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлиши ва энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Қисқача айтганда, суд мажлисида тартиб сақланишини таъминлаш фуқаролик ишларини ҳар томонлама ва тўла текшириш, иш юзасидан қонуний ва асослантирилган қарорлар қабул қилишда самарали омиллардан бири ҳисобланади.

Абдурасул ЭРАНОВ,
Олий суд бўлим бошлиғи

Qonun ko`magi

Масъулият ва мажбурият

кредит шартномасини бажаришда муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Аслида кредит деганда, вақтинча бўш турган пул маблағлари ёки товарларни маълум бир муддатга ва ҳақ эвазига қайтариб бериш шарти билан қарзга бериш тушунилади. Кредит — кредит шартномаси бўйича вужудга келади. Унга кўра, бир тараф банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағларини кредитга бериш, қарз олувчи эса, олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Юқорида қайд этилган қонуний меъёрлар амалдаги Фуқаролик кодексининг 744-моддасида ўз ифодасини топган.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 745-моддасига кўра, кредит шартномаси ёзма шаклда тузилади. Унинг ёзма шаклига риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Олинган кредит маблағларининг мақсадли ишлатилиши кредит шартномаси шартлари қарз олувчи томонидан тўғри адо этилишининг ягона йўлидир.

Шу сабабдан ҳам банк муассасалари кредитнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан мунтазам равишда мониторинг ўтказиб боради. Мониторинг олиб бориш эса, кредит сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Мониторингни ўз вақтида ўтказмаслик айрим ҳолларда кредит маблағларининг мақсадсиз ишлатилишига йўл очади.

Албатта, кредит шартномаси шартлари тўлиқ адо этилмаслиги томонлар ўртасида низо келиб чиқишига сабаб бўлади.

Буни қуйидаги мисоллар ҳам тасдиқлайди. Даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси "Алоқабанк"нинг Жиззах вилояти филиали манфаатини кўзлаб, жавобгарлар Ю.Жўраев ва П.Сафаровларга нисбатан кредит қарзини ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд ишни атрофлича ўрганиб чиқиб, даъвони қаноатлантириш лозим деган тўхтамга келди. Чунки иш ҳолатидан маълум бўлишича, "Алоқабанк"нинг Жиззах вилояти филиали билан жавобгар Ю.Жўраев ўртасида кредит шартномаси имзоланган. Мазкур шартнома бўйича банк муассасаси қарздорга уч йил муддатга йирик шохли чорва моллари сотиб олиш учун йиллик ўн икки фоиз устама тўлаш шарти билан 4 миллион сўм кредит маблағи ажратган. Шунингдек, кредитнинг қайтарилишини таъминлаш мақсадида банк муассаси билан жавобгар ўртасида кафиллик шартномаси ҳам тузилган.

Айтиш керакки, кредит шартномаси қонуний тарзда расмийлаштирилган, ўз навбатида, банк муассасаси шартномада назарда тутилган маблағни жавобгар ихтиёрига ўтказиб берган. Аммо жавобгар Ю.Жўраев кредит қарзларини ўз вақтида қайтармасдан шартнома шартларини бузган.

Фуқаролик кодексининг 268-моддасида агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаров талабнинг уни қондириш пайтидаги ҳажмини таъминлайди, хусусан, фоизлар, неустойка, ижрони кечиктириб юбориш натижасида етказилган зарар тўланишини, шунингдек, гаровга олувчининг гаровга қўйилган ашёни сақлашга қилган зарур харажатлари ва ундирув харажатлари тўланишини таъминлаши белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу кодекснинг 382-моддасига мувофиқ, тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Фуқаролик иши ҳужжатларидан маълум бўлишича, "Алоқабанк"нинг Жиззах вилояти филиали ва Ю.Жўраев ўртасида 2013 йил 29 июль куни тузилган 176-сонли шартномага кўра, уч йил муддатга чорва моллари сотиб олиш учун 4 миллион сўм кредит маблағи ажратилган. Кредит таъминоти сифатида П.Сафаров билан кафиллик шартномаси тузилган. Қарздор кредит шартномасига кўра, кредит маблағи асосий қисми ва фоизлар ҳисобидан жами 4 миллион 233 минг 51 сўм қарздор бўлиб қолган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, суд даъвогарнинг даъвосини тўлиқ қаноатлантиришга қарор қилди. "Алоқабанк"нинг Жиззах филиали фойдасига жавобгарлар Ю.Жўраев ва П.Сафаровлардан солидар тартибда 4 миллион 233 минг 51 сўм кредит ва унга ҳисобланган фоизлар ундирилди. Шунингдек, жавобгарлардан солидар тартибда давлат фойдасига 423 минг 305 сўм давлат божи ундирилиши ҳал қилув қарорида қайд этилди.

Хулоса қилиб айтганда, кредит шартномаси шартларига тўлиқ риоя қилиш кредит олувчини зарур сармоя билан таъминлаш, бунинг эвазига кредит берувчига муайян миқдорда фойда олиш имконини берибгина қолмай, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва унинг кўламини янада кенгайтириш, пировардида мамлакатимиз иқтисодий негизини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Гайрат УСАНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди бош мутахассиси

Qilmish-qidiirmish

Ҳалоллик — умр мезони

Бу ҳаётда ҳалол меҳнат қилган одам нафақат фаровон умр кечиради, балки эл-юрт, ҳамкасблари орасида обрў-эътибор ҳам қозонади. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг замирида фидойилик, ақл-идрок, сабр-бардош, ҳамиша эзгу ва савоб ишларга бош қўйиш каби инсоний фазилатлар ётади.

Аммо ҳаётда баъзан нафс қутқусига учиб, ноқонуний қилмишга қўл урадиган, оқибатда эса, юзшувут бўлиб қоладиган кимсалар ҳам учраб туради. Бунга Ч.Янгибоевнинг қилмишларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Айтиш керакки, Ч.Янгибоев узоқ йиллар давлат идораларида фаолият юритди. У иш фаолияти давомида наинки ҳамкасблари, балки маҳалла-кўй орасида ҳам обрў-эътибор қозонди.

Шу боис маҳалладошлари катта ишонч билдириб, уни маҳалла оқсоқоллигига сайлашганди. Бироқ...

Маълумки, бугунги кунда маҳалла ҳаётимизда тобора муҳим ўрин тутиб, унинг ваколатлари кенгайиб бормоқда. Жумладан, вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш, ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилгани учун ойлик нафақа белгилаш маҳалла фуқаролар йиғини ваколатига берилгани ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: хўш, маҳалла томонидан бериладиган нафақалар қандай тартибда расмийлаштирилади?

(Давоми тўртинчи бетда)

ИНТИЗОМИ

унга қатъий риоя этиш жамоада барқарор муҳитни шакллантириб, иш самарадорлигининг ошишига замин яратади

Намунавий ички меҳнат тартиби қоидаларига кўра, ходим ўз айбли ҳаракатлари билан корхона мол-мулкига зарар етказган, иш берувчини қўшимча моддий харажатлар қилишига сабабчи бўлган бўлса, ходим интизомий жазога тортилиши билан бирга моддий жавобгарликка ҳам тортилиб, ундан етказилган зарар ундириб олиниши мумкин.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, даъвогар У.Муродов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, қайта ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган кунлар учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, иш берувчининг 2014 йил 10 октябрдаги буйруғи билан даъвогарга уч кунлик огоҳлантириш муддатига пуллик компенсация тўланиб, у билан тузилган меҳнат шартномаси 2014 йил 10 октябрдан бекор қилинган.

Даъвогар У.Муродов 2014 йил 12 сентябрда маст ҳолда ишда бўлган ва темир йўл ҳодисасини содир этган. Бунинг оқибатида у ҳамкасблари соғлигига енгил тан жароҳати ва иш берувчига 20 миллион сўм моддий зарар етишига сабабчи бўлган.

Иш берувчининг ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимнинг алкоголь, наркотик ва токсик моддалар таъсирида, гувоҳлар кўрсатмалари ёки тиббий хулоса ва бошқа далиллар билан тасдиқланган мастлик даражасида ишга келиши меҳнат интизомини бир марта қўпол равишда бузиш ҳисобланиши ва иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлиши қайд этилган.

Суд ишдаги далиллар мажмуини таҳлил қилиб, уларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда, иш берувчининг даъвогар У.Муродов билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруғини бекор қилишга етарли асослар мавжуд эмаслигини, шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилишда амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилганлигини инобатга олиб, даъво талабларини қаноатлантиришдан рад этишни лозим деб топди.

Кейинчалик ходим томонидан етказилган зарарни ундириш бўйича иш берувчи судга даъво аризаси билан мурожаат этган бўлиб, суднинг қарорига асосан даъвогарнинг талаби тўлиқ қаноатлантирилган ва жавобгар У.Муродовдан иш берувчи фойдасига 20 миллион сўм етказилган зарар ундирилган.

Хулоса қилиб айтганда меҳнат қонунчилиги талабларига амал қиладиган корхона, ташкилот ва муассасаларда соғлом муҳит қарор топибгина қолмай, иш берувчи ва ходимлар ўртасида самимий муносабат ва ўзаро ҳурмат шакилланади. Бу, ўз навбатида, меҳнатга оид низоларнинг олдини олиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омилидир.

Гайбулла МИРЗАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро суди судьяси

"Ташаббус - 2015"

Ташаббус: тадбиркорлик, фермерлик, ҳунармандлик

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Иштирокчилар сафи сифат жиҳатидан йил сайин ўзгариб бормоқда. Юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланаётган фермерлар, халқ амалий санъатининг ўзига хос намуналарини тайёрлаётган халқ усталари ва ҳунармандлар ушбу рўйхатдан ўрин олаётир. "Ташаббус — 2015" кўрик-танлови халқимизнинг ўз истеъдоди ва ижодкорлигини юзага чиқариш, мамлакатимизда фаровонликни таъминлаш учун янги ғоя ҳамда имкониятлар топишга бўлган интилишни яна бир бор намойиш қилди.

Кўргазмага кираверишда узоқ йиллардан буён хоразмлик Шарипбой Ражабов раҳбарлик қилиб келаётган "Боғот" фермер хўжалигининг стенди эътиборни тортади. Фермер ўз фаолиятини 150 гектар майдонда асосан пахта ва ғалла етиштириш билан бошлаган эди. 2014 йилда у хўжалигини 204 гектарга кенгайтирди ва мева-сабзавот етиштириш, нон маҳсулотлари тайёрлаш ва балиқ парваришлашни йўлга қўйди. Бугунги кунда ушбу тармоқларда 46 киши доимий иш билан таъминланган. Фермернинг фикрича, муваффақиятга эришиш учун тинимсиз меҳнат қилиш, ерга меҳр бериш, ўз ишини сидқидилдан бажариш лозим.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда қишлоқ жойларда фермерлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, давлатимиз томонидан фермерлик ҳаракатига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган инфратузилма устидан назорат кучайтирилди ва янада такомиллаштирилди, қишлоқ меҳнаткашларига тақдим этилаётган хизмат турлари кенгайтирилди. Фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини кучайтириш, лизинг механизмларини ривожлантириш, аграр соҳага инвестиция жалб этиш, улар асосида мини-технологияларни қўллаш орқали қайта ишлашни ташкил қилиш борасидаги ишлар фаоллаштирилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони уларнинг ваколатини сезиларли кенгайтирди.

Бунинг самарасида фермер хўжаликлари ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди.

"Ташаббус - 2015" кўрик-танловида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тақдим этган сифатли маҳсулотлар ҳам эътибор ва эътирофга лойиқ. Сурхондарёлик Ҳусинбек Муродовнинг стенди атрофи гавжум бўлгани бежиз эмас. У раҳбарлик қилаётган "Денов Равнақ Камоли" корхонасида 100 турдан ортиқ эркаклар пойабзаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Танловга келганлар ҳар бир пойабзални катта қизиқиш билан кўриб, сифатини баҳолади ва нархи билан қизиқди. Тадбиркор маҳсулотларини шу ернинг ўзида сотиб олишни истаган харидорлар ҳам бўлди. Чунки пойабзаллар хорижникидан асло қолишмайди. Энг муҳими, табиий хомашёдан тайёрланган.

- Тадбиркорлик фаолиятимни 2012 йилда беш турдаги пойабзал ишлаб чиқариш билан бошлаганман, - дейди Ҳ.Муродов. - Замонавий технология харид қилиб, 18 нафар юқори малакали мутахассисни ишга олдик. Бугун бозорда корхонамиз маҳсулотларига бўлган талаб юқори. Олдимизга катта вазифалар қўйганмиз. Маҳсулотларимиз экспортини йўлга қўйиш шулар жумласидан. Белгилаган барча мақсадларимизга эришишга ишонаман. Негаки, мамлакатимизда бизнесни муваффақиятли ривожлантириш учун барча имконият ва шароитлар яратилмоқда.

"Ташаббус — 2015" кўрик-танловининг бошқа иштирокчилари ҳам шундай фикрда. Зеро, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор йўналишлардан биридир. Сўнгги йилларда статистика ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш механизмлари анча соддалаштирилди, ишчиларнинг белгиланган сони ва кредит ажратиш даражаси оширилди. Масалан, 2014 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ, жумладан, қарийб 2 триллион сўм миқдорида микрокредит ажратилди. Кейинги беш йилда кичик бизнесга кредит ажратиш ҳажми қарийб 5 баробар оширилди.

Хусусий секторни рағбатлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда, 20 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 195 мингдан ошди. Бу 2000 йил билан таққослганда 2 баробарга кўпдир. 2000 йилдан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 56 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ошди.

Ҳунармандларнинг ранг-баранг стендлари "Ташаббус — 2015" кўрик-танловига келганлар эътиборини тортди. Шойи матолар, сўзана ва кашталар, рўмоллар, сопол буюмлар, заргарлик безаклари ва бошқа маҳсулотлар халқимизнинг бой мероси, миллий санъатимиз ҳамда замонавий шарқ маданиятининг турфа рангларини ўзида акс эттирган.

Халқ амалий санъати усталарининг таъкидлашича, мустақиллик йилларида маданий меросимизни асраб-авайлаш, ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бугун ҳунармандлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани самарасида барқарор даромадга эга бўлмоқда. Ҳукуматимиз эътибори ва халқ усталари учун яратилаётган кенг имкониятлар ёшларнинг миллий ҳунармандлик сир-асрорларини эгаллашга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ғолиблар танловнинг "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери" ва "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" асосий йўналишлари, шунингдек, "Йилнинг энг ёш тадбиркори", "Кекса тадбиркор — "Ташаббус" эъзозида", "Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли", "Йилнинг энг яхши инновацион лойиҳаси", "Ёшлар учун энг кўп иш ўринларини ташкил этган тадбиркор", "Менинг Ватаним - менинг фахрим", "Йилнинг энг яхши маҳсулоти" ва бошқа қўшимча номинациялар бўйича аниқланди.

"Йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналиши бўйича Тошкент вилоятидаги "Takro Osiyo" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Камолиддин Ғиёсов ғолиб бўлди. У раҳбарлик қилаётган корхона мато тўқиш ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш билан шуғулланади.

Наманган вилоятилик Илёсжон Ботиров "Йилнинг энг яхши фермери" деб топилди. "Раис-Санг" кўп тармоқли фермер хўжалигида пахта ва ғалла, иссиқхона маҳсулотлари етиштирилади, чорвачилик билан шуғулланилади.

Хоразм вилоятилик Аллазар Саъдуллаев "Йилнинг энг яхши ҳунарманди", деб эълон қилинди. Халқ ҳунарманди тарихий ёдгорликлар ва зиёратгоҳларни таъмирлаш бўйича ишлари билан машҳур.

— Тадбиркорларнинг асосий танловида ғолиб бўлиш мен учун катта бахт, — дейди 2015 йилнинг энг яхши тадбиркори К.Ғиёсов. — "Ташаббус" кўрик-танлови бизни рағбатлантирибгина қолмай, балки қилаётган ишимизнинг муносиб баҳоланишида муҳим аҳамият касб этиб, келгуси режаларни тузишга ёрдам беради. Биз, тадбиркорларга ўз салоҳиятимизни рўёбга чиқариш борасида яратилаётган шароит ва имкониятлар учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

"Ташаббус — 2015" кўрик-танлови ғолибларига Президентимиз совғаси — "Spark" автомобиллари калити, иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларига пул мукофотлари, махсус номинациялар совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов иштирок этди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

Maslahat

Муаллифлик шартномаси

у қандай тартибда тузилади?

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуннинг 39-моддасига мувофиқ муаллифлик шартномаси тузилаётганда қуйидаги шартлар назарда тутилиши керак:

- асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган конкрет ҳуқуқлар);
- асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари.

Муаллифлик шартномаси тарафлар зарур деб топган бошқа шартларни ҳам назарда тутиши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, агар фойдаланувчи шартнома бекор қилингунига қадар камида олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади.

Бошқа шахсга ўтказилиши муаллифлик шартномасида бевосита назарда тутилмаган асардан фойдаланиш ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақида ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар муаллифлик шартномаси мавзуси бўлиши мумкин эмас.

Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади. Мазкур муаллифлик ҳақининг энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида ҳақ тўлаш қатъий сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп адади белгилаб қўйилиши шарт.

Муаллифлик шартномаси бўйича ўтказилган ҳуқуқлар бундай шартномада бевосита назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин.

Муаллифлик шартномасининг муаллифни келгусида мазкур мавзуда ёки мазкур соҳада асарлар яратишини чеклайдиган шарти ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Муаллифлик шартномасининг ушбу Қонун талабларига зид бўлган шартлари ҳақиқий эмас.

Лазиз ҚОДИРҚУЛОВ,
Олий суд катта консультанти

Qilmish-qidiirmish

Ҳалоллик – умр мезони

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Бу саволга жавобан шуни қайд этиш керакки, қонун талабига кўра, нафақа олиш ниятида бўлган фуқаро ариза билан мурожаат қилиб, тегишли ҳужжатларни топширгач, маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби томонидан ҳужжатлар қабул қилинади ва рўйхатга олинади.

Шундан сўнг фуқаролар йиғини котиби ҳужжатлар асосида нафақа олувчи оиланинг моддий ва мулкий аҳволини махсус комиссия ҳамда бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари билан биргаликда ўрганиб чиқади ҳамда кенгашга кўриб чиқиш учун тайёрлайди. Расмийлаштирилган ҳужжатлар маҳалла идорасида 7 нафар кишидан иборат комиссия томонидан ўрганилиб, оиланинг моддий ва мулкий аҳволи ҳам текшириб чиқилади.

Хуллас, ҳужжатларни комиссия иштирокчилари имзолагач, шу асосда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланади.

Таассуфки, Қумқўрғон туманидаги "Боғаро" маҳалла фуқаролар йиғини собиқ раиси Ч.Янгибоев ва меҳнат нозири А.Ҳайдаровлар бу тартиб-қоидаларни мутлақо унутиб қўйишди.

Бошқача айтганда, улар нафс қутқусига учиб, ўзларига ишониб топширилган вазифани виждонан бажариш ўрнига суиистеъмол қилишди.

Қумқўрғон тумани молия бўлими ва назорат тафтиш бошқармаси томонидан "Боғаро" маҳалла фуқаролар йиғининг 2012-2014 йиллардаги молиявий аҳволи ўрганиб чиқилганда, ҳамтовоқларнинг қилмиши очилиб қолди.

Аниқроқ айтганда, Ч.Янгибоев ва А.Ҳайдаров олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, жами элликта ҳолатда болаларга нафақа пули тайинлаш асосида маҳалла фуқаролар йиғини баённомалари, молиявий аҳвол ўрганилганлиги ва даромадлар ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги расмий ҳужжатларни сохталаштиришади ва давлат манфаатларига 5 миллион 133 минг 555 сўм миқдорида зарар етказишади. Ҳамтовоқларнинг қилмиши гувоҳларнинг кўрсатмалари, шунингдек, бошқа далиллар билан ўз исботини топди.

Суд уларга қилмишига яраша жазо тайинлаш билан бирга, етказилган 5 миллион 133 минг 555 сўмлик моддий зарарнинг фақат 4 миллион 117 минг 897 сўми қоплаганлигини эътироф этган ҳолда, маблағнинг қолган 1 миллион 15 минг 658 сўмини судланувчилар томонидан туман молия бўлими фойдасига ундириш хусусида ҳукм чиқарди.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида баён этилганлардан ҳам кўринадики, қинғир ишлар, ўзгаларнинг ишончини суиистеъмол қилиш ҳеч қачон яхшилик билан якун топмайди. Шундай экан, ҳамиша эзгу ва хайрли ишларга бош бўлиш, ҳалоллик ва инсофу диёнат ҳаётимизга файз, умримизга мазмун бағишлашини ҳеч қачон унутмайлик.

Шерали ҚОДИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Бойсун тумани судининг девонхона мудири
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч-адолатда" мухбири

G'aroyib olam

Маълумки, бугунги кунда ўзиюрар зиналар, яъни эскалаторларсиз метро ва замонавий савдо марказлари фаолиятини тасаввур қилиш анча мушкул. Шунингдек, ҳозирги вақтда эскалаторларнинг ҳам турфа хиллари яратилган бўлиб, уларнинг тузилиши ва бажарадиган вазифаси ҳам бир-биридан жиддий фарқ қилади.

Биз билган ва билмаган дунё

Антиқа эскалаторлар

Аслини айтганда, илк эскалатор XIX аср охирида, яъни 1892 йилда америкалик ихтирочи Жесс Рено томонидан яратилган. Тўғри, бу эскалатор бугунги ўта замонавий авлодларидан тубдан фарқ қилган. Ўшанда аттракцион сифатида намойиш этилган ушбу қурилма сайёҳлар учун мўлжалланган бўлиб, у бор-йўғи ҳаракатланувчи тасмадан иборат бўлган.

Зина кўринишидаги биринчи эскалатор эса, 1900 йилда "Отис Элевейторс" компанияси томонидан яратилганлигини ҳамма ҳам билавермайди. Аммо ушбу қурилма ўз даврида жуда машҳур бўлган ва у кейинчалик АҚШнинг Филадельфия шаҳрида жойлашган "Жимбелс" савдо марказига ўрнатилган.

Бугунги кунда жаҳоннинг барча давлатларида жамоат транспорти орасида метро етакчи ўринни эгаллайди. Шу боис одамлар учун янада қулайлик яратиш мақсадида 1911 йилда Лондондаги метронинг "Earl's Court" бекатига илк эскалатор ўрнатилган. Айнан ўша даврдан бошлаб эскалаторда юриш одоби ҳам шаклланган, яъни қурилмада ҳаракатсиз турган одам ўнг томондан, ҳаракатланаётган мижозлар эса, чап тарафдан жой олиши одат тусига кирган.

1921 йилда "Отис Элевейторс" компанияси томонидан яратилган замонавий кўринишдаги илк эскалаторлар бугунги кунда ҳам фаолият кўрсатаётганига нима дейсиз? Бу қурилма ўша давр учун техника мўъжизаси сифатида катта шуҳрат қозонган.

Айни пайтда дунёдаги энг қисқа эскалатор Япониянинг Кавасаки шаҳридаги савдо марказларидан бирига ўрнатилган бўлиб, унинг баландлиги атиги 83 сантиметрни ташкил этади. Ажабланарлиси шундаки, савдо марказига ташриф буюрган харидорларнинг аксарияти ушбу митти ўзиюрар зинадан фойдаланишади. Буни қарангки, ушбу қурилма сайёҳларга ҳам катта қизиқиш уйғотиб, уларни ўзига жалб этиб келмоқда.

Аслини айтганда, ушбу митти эскалатор савдо марказига қандай мақсадда ўрнатилгани ҳам маълум эмас. Чунки бу қурилмасиз ҳам савдо маркази бемалол фаолият юритади. Шу боис ушбу қурилма тўғрисида одамлар ўртасида турли хил тахминлар юради.

Одатда, эскалаторлар метро ёки савдо марказларига одамларга қулайлик яратиш мақсадида ўрнатилишини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо Колумбиянинг Медельин шаҳрида эскалаторлар айнан тоғ ёнбағрида жойлашган кўчаларга қурилган бўлиб, маҳаллий аҳоли ҳар куни бир неча марта қияликдан эскалатор ёрдамида тушиб чиқишади.

Бундан ташқари тараққиёт жараёнида эскалаторларнинг ҳаракатланиш тезлиги ҳам ортиб бормоқда. Масалан, 2011 йилда яратилган эскалатор олтита бўлимдан иборат бўлиб, ундан бир вақтнинг ўзида минглаб одамлар фойдаланиши мумкин. Мазкур қурилманинг умумий узунлиги 384 метрни ташкил этади.

Шунингдек, ҳаётда ўта ғаройиб, бир қарашда, кишига антиқа туюладиган эскалаторлар ҳам учраб туради. Масалан, сув остига жойлаштирилган герметик эскалатор Тайвандаги уммон боғига ўрнатилган бўлиб, унда саёҳатчилар боши узра сузиб ўтаётган турфа хил денгиз жониворларини бемалол томоша қилиши мумкин. Эскалатор илонизи кўринишида қурилгани боис уммон тубига саёҳат қилган сайёҳлар учун бир вақтнинг ўзида ҳам баландликка, ҳам пастга қараб ҳаракатланиш имконияти яратилган.

Яна бир ғаройиб эскалатор Нью-Йоркдаги "Macy's Herald Square" савдо марказига ўрнатилган. Буёғини сўрасангиз, ушбу қурилма 1927 йил оддий ёғочдан ясалган бўлиб, ундан бугунги кунда ҳам одамлар бемалол фойдаланишмоқда.

Гонконг шаҳрида эса, эскалаторлар тизимидан ташкил топган кўча мавжуд бўлиб, унинг узунлиги 800 метрни ташкил этади. Эскалаторнинг умумий кўтарилиш баландлиги 135 метрдир. Шуниси ажабланарлики, ушбу ноёб қурилма 20 та эскалатор ва учта ҳаракатланувчи йўлакдан иборат бўлиб, уни тўлиқ босиб ўтиш учун 20 дақиқа вақт керак бўлади.

Норвегиянинг Тронхейм шаҳрида ҳам эскалаторлардан фойдаланиш тобора оммалашиб бормоқда. Қизиқ томони шундаки, ушбу мамлакатда велосипедчилар Брюбаккен тепалигига кўтарилиши учун ҳам эскалатор имкониятларидан фойдаланишади.

Айни пайтда Германия эскалаторлардан фойдаланиш бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, дунёдаги энг узун эскалатор ҳам ушбу мамлакатнинг Дюссельдорф шаҳрида жойлашган. Бу ҳайратланарли қурилманинг узунлиги 225 метрни ташкил этади.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-622. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7145.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 00³⁰